


V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2020 йилнинг январь-декабрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 20177 тани ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 4513 та, Хива шаҳрида 1877 та, Хива туманида 1690 та, Урганч туманида 2281 та, Хонқа туманида 1544 та, Янгиариқ туманида 1107 та, Ҳазорасп туманида 1001 та, Гурлан туманида 1307 та, Қўшқўпир туманида 1392 та, Боғот туманида 1077 та, Шовот туманида 1006 та, Тупроққалъа туманида 426 та ва Янгибозор туманида 956 тани ташкил қилди.


Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2020 йил январь–декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг (30,7 фоизи), саноат тармоғида (20,8 фоиз), кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (24,1 фоиз), қурилиш тармоғида (5,7 фоиз) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп Урганч шаҳрида 28,3 бирликда, Хива шаҳрида 18,9 бирликда, Янгиариқ туманида 13,3 бирликда, Урганч туманида 14,3 бирликда, Хива туманида 13,0 бирликда, Янгибозор туманида 15,2 бирликда, Тупроққалъа туманида 12,6 бирликда, Гурлан туманида 11,7 бирликда бўлиб, ўргача кўрсаткич 7-10 бирлик оралиғида Ҳазорасп, Боғот, Қўшқўпир, Хонқа, Шовот туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)



Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони
(бирлик, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2021 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2020 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	туғатилди
Вилоят бўйича:	20177	4632	737
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч	4513	765	204
Хива	1877	369	82
<i>туманлар:</i>			
Боғот	1077	313	21
Гурлан	1307	377	39
Қўшқўпир	1392	436	19
Урганч	2281	457	63
Ҳазорасп	1001	242	46
Тупроққалъа	426	121	1
Хонқа	1544	334	49
Хива	1690	324	50
Шовот	1006	272	23
Янгиариқ	1107	254	89
Янгибозор	956	368	51

2020 йил январь-декабрь ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 4632 тани ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 765 та, Урганч туманида 457 та, Хива шаҳрида 369 та, Хонқа туманида 334 та, Қўшқўпир туманида 436 та, Ҳазорасп туманида 242 та, Хива туманида 324 та, Шовот туманида 272 та, Янгиариқ туманида 254 та, Гурлан туманида 377 та, Боғот туманида 313 та, Янгибозор туманида 368 та ва Тупроққалъа туманида 121 тани ташкил қилди.

2020 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 75,3 фоизи (2019 йил январь-декабрида 75,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2020 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2780,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 29,5 фоизи) ташкил қилди;

- 16084,7 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 99,4 фоизи) ташкил қилди;

- 4810,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 72,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 136,3 фоизни ташкил қилди;

- 2763,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 91,1 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 97,5 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 97,5 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 75,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 93,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,2 фоизи) ташкил қилди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 83,1 фоизи ёки 6572,2 млрд. сўми (ўсиш 109,5 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 63,7 фоизи ёки 4185,1 млрд. сўми (ўсиш 110,9 фоиз) шакллантирилди;

- 118,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 70,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди. 213,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 71,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги
хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши
(2020 йилнинг январь-декабрь)**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	16084,7	99,4
Саноат	2780,7	29,5
Қурилиш	2763,3	91,1
Чакана савдо	6572,2	83,1
Юк ташиш, млн тн.	37,5	94,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	350,3	95,7
Экспорт, млн. АҚШ долл.	118,1	70,0
Импорт, млн. АҚШ долл.	213,1	73,7

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(фоизда)**

